

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Шарифов Абдулазиз Шарофович

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси 2-ўқув

курси курсанти

sharifovabdulaziz@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни аниқлашда профилактика инспекторларининг иш юритиш фаолияти таҳлил қилинади. Профилактика инспекторларининг ҳуқуқий мақоми, вазифалари, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва расмийлаштиришдаги роли, шунингдек, жамоатчилик билан ишлашдаги самарадорлиги ёритилади. Мақолада шунингдек, амалдаги қонунчилик асосида иш юритиш тартиби, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал қилиш бўйича таклифлар келтирилган. Таҳлиллار профилактика инспекторларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимидаги ўрнини чуқурроқ англашга хизмат қилади ҳамда ушбу йўналишдаги фаолиятни такомиллаштириш бўйича илмий-амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлар: профилактика инспекторлари, такомиллаштириш, ҳуқуқбузарликлар, маъмурий жавобгарлик, ташкилий асослар, зайриижтимоий, ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат.

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида Ички ишлар органлари олдига қўйилган асосий вазифалар – фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси¹ борасида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳар қандай

¹ Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар органлари тўғрисидаги 2016 йил 16 сентябрь қонуни. ЎРҚ-407-сон.



хуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва очиш, айбдорларни қонунда белгиланган тартибда жазога тортиш хуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутати.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ маъмурий хуқуқбузарлик учун ҳеч ким қонун ҳужжатларида белгиланган асослар ва тартибдан бошқача тарзда таъсир кўрсатиш чорасига тортилиши мумкин эмас.

Профилактика инспекторининг маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятининг амалга оширишнинг ташкилий асосларини таъминлаш жараёнида амалдаги қонунийликка риоя этган ҳолда ўз ваколатлари доирасида қонун ҳужжатлари талабларига тўла риоя этган ҳолда амалга оширилишини назарда тутати.

Профилактика инспекторининг маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятининг ташкилий асосларига кўра у маъмурий хуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаши, уларни қайд этиши ва баҳолашга қаратилган процессуал ҳаракатларини амалга ошириши лозим.

Мазкур жараёнда маъмурий хуқуқбузарлик ишини ҳолисона ва қисқа кўриб чиқиш ҳамда айбдорга қонунда белгиланган таъсир чораларини қўллаш учун шарт-шароит яратилади ҳамда ишни кўриб чиқиш ва ҳал этишни таъминловчи дастлабки процессуал ҳаракатлар амалга оширилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, дастлаб профилактика инспекторларининг маъмурий юрисдикциявий фаолияти бирон-бир расмий процессуал ҳужжат тузилишидан олдинроқ бошланади. Ушбу фаолиятни бошланиш вақти ғайрихуқуқий хатти-ҳаракат тўғрисидаги маълумот профилактика инспекторига келиб тушгандан ёки ушбу ғайрихуқуқий хатти-ҳаракатни бевосита профилактика инспекторининг ўзи томонидан аниқланган вақтдан бошланади.

Мазкур фаолиятни амалга ошириш жараёнида профилактика инспектори содир этилган ғайриижтимоий, хуқуққа ҳилоф хатти-ҳаракат ҳолатларини синчковлик билан аниқлаши шарт. Энг аввало, қилмишнинг содир этилганлиги, ушбу қилмишнинг қонунга ҳилоф ёки ҳилоф эмаслиги, маъмурий хатти-ҳаракат ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслигини аниқланиши лозим¹. Ҳар бир иш бўйича хуқуқбузарлик содир этилган вақт, жой ва унинг усулларини аниқлаш мажбурий бўлиб, бу маълумотлар орқали хуқуқбузарлик ҳолати тасдиқланади. Шунингдек, айрим ҳолатларда профилактика инспектори томонидан маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги

¹ С.М.Селиманова Применение органами внутренних дел административных взысканий. Учебное пособие. Т., 2010. С. 52.



ишларни юритилиши истисно этилади. Қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш мумкин эмас, бошланган иш эса белгиланган тартибда тугатилиши лозим:

маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ёки аломати йўқ бўлса;

маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш пайтида шахс ўн олти ёшга тўлмаган бўлса;

ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этган шахс ақли норасо бўлса;

шахс ҳаракатни зарурий мудофаа ҳолатида ёки охирги зарурат ҳолатида қилган бўлса;

шахс ҳаракатни жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд кўрқитиш натижасида қилган бўлса;

амнистия актининг чиқиши, агар у маъмурий жазо чорасини қўлланишини бекор қилса;

маъмурий жавобгарликни белгиловчи ҳужжат бекор қилинган бўлса;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтига келиб ушбу кодекснинг 36-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетган бўлса;

маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс хусусида шу факт юзасидан маъмурий жазо қўлланиши тўғрисидаги ваколатли орган (мансабдор шахс) қарор чиқарган бўлса, ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни тугатиш тўғрисида чиқарилган қарор бекор қилинмаган бўлса, шунингдек мазкур факт юзасидан жиноят тўғрисидаги иш қўзғатилган бўлса;

шахс иши юритила бошланган пайтда вафот этган бўлса;

ҳуқуқбузарликнинг оқибатлари бартараф этилган тақдирда шахсни жавобгарликдан озод этиш МЖТКнинг тегишли моддасида назарда тутилган бўлса;

агар, МЖТКнинг тегишли моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этган тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахси ёки ходимлари ёхуд тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтдан эътиборан ўттиз кунлик муддатда йўл қўйилган бузилишларни ихтиёрий равишда бартараф этган ва (ёки) етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, бундан фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилган ҳолатлар бундан мустасно.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш учун тайёрлашда профилактика инспектори яна қуйидаги масалаларни ҳал этиши лозим:



1. Мазкур ишни кўриб чиқиш унинг ваколат доирасига кирадими?

2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар тўғри тузилганми?

3. Ишни кўришда қатнашувчи шахслар уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинганми?

4. Зарур қўшимча материаллар сўраб олинганми?

5. Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс, жабрланувчи, унинг қонуний вакиллари, адвокат қилган илтимослар ҳал этилиши керакми?

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш шундай ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда кўриб чиқилиши керак.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 119, 125-136, 139, 140-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар транспорт воситаларини ҳисобга олиш жойида ҳам кўриб чиқилиши мумкин. 187-моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар шундай ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда ёки ҳуқуқбузарнинг истиқомат жойида кўриб чиқилади. Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар эса, ҳуқуқбузарнинг истиқомат жойида кўриб чиқади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни бошқа жойда кўриб чиқиш қонунда назарда тутилган бўлиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ишлар мазкур ишни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган орган (мансабдор шахс) томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар олинган кундан бошлаб, ўн беш кунлик муддат ичида кўриб чиқилиши лозим.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176, 180, 181, 183, 184, 194-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бир сутка мобайнида кўриб чиқилиши керак 151, 164, 201, 202, 203 ва 205-моддаларда назарда тутилган ишлар уч сутка мабойнида, 61-моддада назарда тутилган ишлар беш кунлик муддат ичида кўриб чиқилиши лозим.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 306-моддасига мувофиқ шу ишни кўрувчи коллегиял органнинг таркибини эълон қилиш ёки мансабдор шахсни таништиришдан бошланади. Ишни кўриб чиқувчи коллегиял органнинг мажлисида раислик қилувчи ёки мансабдор шахс қандай иш кўриб чиқилиши лозимлигини, маъмурий жавобгарликка ким тортилаётганлиги эълон қилади, ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини тушунтиради, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани ўқиб эшиттиради. Мажлисида қатнашувчи шахслар ахбороти тингланади, келтирилган далиллар



ўрганилади ва тушган илтимослар ҳал этилади. Ишни кўриб чиқишда прокурор қатнашган тақдирда унинг хулосаси тингланади.

Маъмурий ишларни кўриб чиқиш чоғида тегишли орган (мансабдор шахс): маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, мазкур шахс ўзи содир этишда айбдор-айбдор эмаслигини, у маъмурий жавобгарликка тортилиши ёки тортилмаслигини, жавобгарликни енгиллаш-тирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларнинг бор-йўқлигини, мулкӣ зарар етказилган-етказилманганлигини, шунингдек, ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаб чиқиш лозим.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг кўриб чиқилиши ҳақида тегишли орган томонидан баённома тузилади. Бу баённомада рус олими А.С.Телегиннинг фикрича маълумотлар III гуруҳга бўлинади¹:

1-гуруҳда мажлис бўлган сана ва жой; ишни кўриб чиқувчи органнинг номи ва таркиби; кўрилаётган ишнинг мазмуни; ишда қатнашувчи шахсларнинг ҳозир бўлган-бўлмаганлиги;

2-гуруҳда ишни кўришда қатнашувчи шахсларнинг изоҳлари, уларнинг илтимослари ва бу илтимосларнинг натижалари;

3-гуруҳда ишни кўриб чиқиш пайтида ўрганилган ҳужжатлар ва ашёвий далиллар; қабул қилинган қарорни эълон қилиш тўғрисидаги маълумотлар ва унинг устидан шикоят бериш тартиби ва муддатлари тушунтирилганлиги кўрсатилади. Тегишли орган мажлисининг баённомаси мажлисда раислик қилувчи ва котиб томонидан имзоланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг «Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори¹га асосан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан юритилаётган баённомаларни ва маъмурий иш қўзғатиш тўғрисидаги қарорларнинг мазмуни маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги конун ҳужжатларига жавоб бериш лозим. Агарда баённома ёки маъмурий иш қўзғатиш ҳақидаги қарор тегишли ваколати бўлмаган шахс томонидан тузилган ёки қабул қилинган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилинган вақт ва ҳуқуқбузарликнинг мазмуни, ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи меъёрий ҳужжатлар кўрсатилмаган ёки жавобгарликка тортилаётган шахс ҳужжатлар билан таништирилмаган, конунда назарда тутилган ҳолларда баённома ёки қарор нусхаси

¹ Телегин А.С. Производство по делам об административных правонарушениях. Учебное пособие. М.-1991. С.89.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Пленуми қарорлари. 2000 йил 15 сентябрь.Т. 2000.



топширилмаган, шу ҳуқуқбузарнинг ҳуқуқлари тушунтирилмаган ҳолатларда, судья қайд қилинган камчиликларни бартараф этиш учун баённома ва қарорни тегишли орган ёки мансабдор шахсга қайтаради.

Судья маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда қонунда назарда тутилган маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахсларнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш чораларини кўриши лозим. Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иш ҳужжатлари билан танишиб чиқиш, изоҳлар бериш, далиллар келтириш, илтимосларини баён этиш, ишни кўриб чиқишда адвокатнинг ҳуқуқий ёрдамидан ва таржимоннинг хизматидан фойдаланиш, ўз она тилида сўзлашиш, унга нисбатан чиқарилган қарорлар устидан шикоятлар қилиш ҳуқуқига эгадир.

Муайян шахс томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлигини исботлаш мажбурияти, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида баённома тузган идоралар (мансабдор шахс) зиммасига юклатилади. Шунга кўра маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс ўзининг ҳимоя ҳуқуқидан фойдаланишга, айбсизлигини исботлашга ҳақлидир, аммо бу унинг мажбурияти эмас.

Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ҳимоя ҳуқуқининг бузилиши, маъмурий жазо қўллаш ҳақидаги қарорни бекор қилишга асос бўлади. Маъмурий ишнинг тўғри ва ҳолисона ҳал этилишини таъминлашда ишни маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг иштирокида кўриш лозим. Мазкур шахсга ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабар қилинганлиги тўғрисида ишда маълумотлар бўлган ва ундан ишни кўриб чиқишни кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган ва ўзи рози бўлган ҳоллардагина иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин (судья қарорда бунга асослантириши керак).

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг қатнашиши шарт. Бу қоидага риоя қилмаслик қарорнинг бекор бўлишига асос бўлади.

Профилактика инспектори маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш жараёнида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилишига олиб келган сабаблар ва шарт-шароитлар, ҳуқуқбузарда жамиятга ҳилоф қарашлар ва одатларнинг пайдо бўлиши сабабларини аниқлаши лозим.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш турли процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш орқали амалга оширилади. Улар қуйидагилар:

маъмурий баённома;

ҳуқуқбузарнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси;



ҳуқуқбузарликка оид далиллар, ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш (маъмурий йўл билан ушлаб туриш) ҳақида расмийлаштириладиган баённомалар;

ҳуқуқбузарлик бўйича аҳамиятли маълумотларга эга бўлган шахслардан олинаган тушунтириш хатлари;

экспертиза тайинлаш тўғрисида қарор ҳамда эксперт хулосаси;

моддий зарар миқдорини ҳамда ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳақида ҳужжатлар;

ҳуқуқбузарни муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилганлигини текшириш ҳақида талабнома.

Ушбу процессуал ҳужжатлар доираси бундан ҳам кенгрок бўлиши мумкин. Ушбу ҳолат ҳуқуқбузарлик ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда профилактика инспектори томонидан белгиланади.

Профилактика инспектори ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаши, унинг шахсига оид маълумотлар тўғрилигини (фуқаролик паспорти ёки манзил маълумотлар бюроси маълумотида кўра) текшириши шарт ва уларнинг тўғрилигига шахсан жавобгар ҳисобланади.

Тушунтириш хатлари ҳуқуқбузарлик иши учун аҳамиятли маълумотларга эга бўлган шахслардан олинади. Булар ҳуқуқбузарлар, жабрланувчилар, гувоҳлар бўлиши мумкин. Тушунтириш хати орқали расмийлаштирилган маълумотлар мавжуд бошқа маълумотларга зид келмасагина ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ёки рад этиш, шахснинг айбдорлиги, айбдорга жазо тайинлаш каби масалаларни ҳал қилиш учун далилий аҳамиятга эга маълумот сифатида хизмат қилади. Тушунтириш хатини олиш жараёнида профилактика инспектори тушунтириш бераётган шахсларнинг амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида назарда тутилган ҳуқуқ ва бурчларини тушинтириши лозим. Олинган тушинтириш хатлари иш ҳужжатларига қўшиб қўйилади.

МЖТКнинг 287-моддасига мувофиқ профилактика инспектори шахсни қисқа муддатли эркинлигини чеклаш орқали маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқиш мақсадида маъмурий йўл билан ушлаб туриш ваколатига эга.

Ҳуқуқбузар иложи борида қисқа муддатда ИИО Таянч пунктига олиб келиниши лозим. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ҳар жиҳатдан тўлиқ ва адолатли ҳал этиш учун ҳуқуқбузар маъмурий йўл билан ушлаб турилиши, яъни шахсий кўрикдан ўтқазилиши, кийим-кчаклари кўздан кечирилиши, ашё ва ҳужжатлари олиб қўйилиши мумкин.



Бундай ҳолларда ҳуқуқбузарнинг маъмурий йўл билан ушлаб турилиши тўғрисида баённома расмийлаштирилади.

Профилактика инспектори шахснинг муқаддам (яъни бир йил ичида) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ёки этмаганлигини аниқлаш мақсадида “Маъмурий ҳуқуқбузарликларни ва уларни содир этган шахсларни қайд этиш” электрон базасига талабнома жўнатади ҳамда жавоб тариқасида келган маълумотномани иш ҳужжатларига қўшиб қўяди.

Профилактика инспектори томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлигининг расмий ифодаси сифатида МЖТКнинг 281-моддасида белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани расмийлаштиради.

Баённомада ким, қачон, қайси турдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этгани, ушбу ҳолатни тасдиқловчи гувоҳ ёки ҳолислар ва уларнинг имзолари ҳамда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг тавсилоти келтирилиши лозим.

Шунингдек, профилактика инспектори баённомани саводли, хатосиз ёзиши, тушунчаларни аниқ ва раво баён этиши лозим, ҳамда баённомани тузган вақти ва жойини, ўзининг ҳамда унда қайд этилаётган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи, лавозими, манзили, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган жойини, ана шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳамда ишни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни аниқ ва тўғри кўрсатиши керак. Маъмурий баённомани тузиш пайтида профилактика инспектори ҳуқуқбузарга МЖТКнинг 294-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва бурчларини тушунтириб, бу ҳақда маъмурий баённомага ёзиб қўяди¹. Агар ҳуқуқбузар маъмурий баённомани имзолашдан ёки ёзма тушинтириш беришдан бош тортган тақдирда, профилактика инспектори гувоҳлар ёки ҳолислар иштирокида далолатнома (ҳуқуқбузарнинг содир этган ҳуқуқбузарлик факти ва унинг маъмурий баённомага имзо қўйишдан бош тортиши ҳолати бўйича) тузади ва маъмурий баённомага илова қилади.

Маъмурий баённома уч қисмдан иборат бўлиб қуйидаги тартибда расмийлаштирилади:

биринчи қисми тўлдирилгандан сўнг туман (шаҳар) ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси (бўлими, бўлинмаси)га бир сутка ичида топширилади.

иккинчи қисми эса МЖТКнинг 305-моддасида келтирилган муддатларда жарима ундирилганлиги ҳақидаги квитанция билан бирга

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.02.2021 й., 03/21/673/0112-сон.



туман(шаҳар) ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси (бўлими, бўлинмаси)га топширилади.

баённоманинг учинчи қисми ҳуқуқбузарга жарима тўлаш тартиби тушинтирилиб имзо орқали топширилади.

Маъмурий баённома бланкаси профилактика инспектори томонидан турли сабабларга кўра (йиртилса, тўлдириш жараёнида хатоликларга йўл қўйилса ва бошқа сабаб билан) яроқсиз ҳолга келиб қолса, ушбу маъмурий баённома уч кун муддат ичида маъмурий амалиёт ходимига топширилади. Маъмурий баённома бланкаси уни тўлдирган профилактика инспекторининг айби билан яроқсиз ҳолга келтирилса, унга нисбатан хизмат текшируви ўтказилиб, интизомий жавобгарлик масаласи ҳал этилади.

Амалдаги МЖТКнинг 312-моддасига мувофиқ профилактика инспектори ушбу Кодекснинг 187-моддаси (жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш)да назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан маъмурий жазо қўлланиш ҳақида чиқарилган қарорни ҳуқуқбузар ишлаб ёки ўқиб турган жойдаги маъмурият эътиборига етказди. Бундан кўзланган мақсад ҳуқуқбузарнинг келгусидаги ҳуққ атвори ва юриш-туришидан шу ҳуқуқбузар ишлаб ёки ўқиб турган жойдаги маъмурият ва у ердаги ходимларнинг хабардор бўлиб туриши ва унинг ижобий ижтимоий йўлга ўтиб олишига кўмаклашишдан иборатдир.

Шунингдек профилактика инспектори муайян шахсда ғайриижтимоий ҳуққ-атворнинг шаклланишига ёки муайян ҳуқуқбузарликнинг содир этилишига, шунингдек бир гуруҳ шахсларда ғайриижтимоий ҳуққ-атворнинг шаклланишига ёки алоҳида турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига туртки берган сабабларни ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлайди, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли корхона, муассаса, ташкилот ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига тақдимномалар киритиб боради. Корхона, муассаса, ташкилот ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тақдимнома келиб тушган кундан бошлаб бир ой муддат ичида тегишли ИИО(ёки профилактика инспектори)га кўрилган чоралар ҳақида маълум қилиши шарт. Мазкур ҳолатда мансабдор шахсларнинг тегишли чораларни кўрмаслиги МЖТКнинг 196-моддасида кўрсатилган “Ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан ” маъмурий



ҳуқуқбузарлиги таркиби келиб чиқиб, тегишли мансабдор шахсни маъмурий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади¹.

Профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида белгиланган тартибда ваколат доирасида жазо чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ҳамда уни ижро этишни таъминлаш билан яқунланади. Ҳуқуқбузарга нисбатан профилактика инспектори жазо қўллаш жараёнида ҳуқуқбузар шахсининг ижобий ва салбий томонларини, МЖТҚда келтирилган жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни шунингдек айбдорнинг мулкӣ аҳволини эътиборга олиши лозим. Шунингдек, ушбу қарор маъмурий баённоманинг қарор қисмида келтирилиб ўтилади.

Профилактика инспектори ваколат доирасида МЖТҚнинг 127, 221-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан содир этилган тақдирда, уларни умумий асосларда жавобгарликка тортади. Профилактика инспектори содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусиятини ва ҳуқуқбузар шахсини ҳисобга олган ҳолда мазкур шахсларнинг ишларини вояга етмаганлар ишлари бўйича туман, шаҳар идоралараро комиссиялари ихтиёрига бериши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини Қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этиш профилактика инспекторларининг маъмурий юрисдикциявий фаолиятида қонунийликни таъминлашнинг асосий қоидаларидан бири ҳисобланади. Мазкур қоиданинг моҳияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасидан келиб чиқади, шахс фақатгина қонун ҳужжатларида кўрсатилган асосларда ва тартибда жавобгарликка тортилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик иши бўйича чиқарилган қарорларни ижро этиш ҳам иш юритишнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича қарорларни ижро этмаганлик ҳуқуқбузарликларга қарши курашишнинг самарасини пасайтиради, қонунийлик принципига путур етказди.

Хулоса

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.02.2021 й., 03/21/673/0112-сон.



Бугунги кунда профилактика инспекторларининг фаолияти маъмурий ҳуқуқбузарликлар соҳасида иш юритишда жуда долзарб аҳамият касб этмоқда. Замонамизнинг тараққиёт босқичида юзага келаётган мураккаб ижтимоий муносабатлар фонида маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга ҳуқуқий баҳо бериш жараёнида иш юритиш фаолияти янада муҳим ўрин тутаяпти. Айни пайтда, профилактика инспекторларининг зиммасига тушаётган вазифалар тобора оғирлашиб, улар маъмурий фаолиятда ҳал қилувчи бўғин сифатида намоён бўлмоқда. Шу сабабли, ушбу мақолада профилактика инспекторларининг маъмурий иш юритишдаги фаолияти, юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечими батафсил ёритилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТДАР РЎЙХАТИ:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т., 2017. – 104 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир // Халқ сўзи. – 2019. – № 448.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // URL: <http://www.lex.uz>.
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // URL: <http://www.lex.uz>.
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // URL: <http://www.lex.uz>.
7. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // URL: <http://www.lex.uz>.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” 2008 йил 17 апрелдаги Қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” 2010 йил 29 сентябрдаги Қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишига чек қўйиш тўғрисида” 2011 йил 5 октябрдаги Қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.



11. Ўзбекистон Республикасининг “ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тўғрисида” 2013 йил 23 сентябрдаги Қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

12. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида” 2014 йил 5 майдаги Қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

13. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” 2014 йил 14 майдаги Қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

14. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида” 2015 йил 9 декабрдаги Қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

15. Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида” 2016 йил 11 апрелдаги Қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

